

**«ТАСДИҚЛАНГАН»
«ASIA ALLIANCE BANK» АТБ
акциядорларининг навбатдан
ташқари умумий йиғилиши томонидан
«3» сентябрь 2014 йилдаги
АС-3/2014-сонли Баённома**

**«ASIA ALLIANCE BANK»
АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ
ТАФТИШ КОМИССИЯСИ ТЎҒРИСИДА
НИЗОМ
(янги тахрирда)**

Тошкент ш. – 2014 й.

МУНДАРИЖА

- 1. Умумий қоидалар**
- 2. Тафтиш комиссиясининг вазифалари ва мажбуриятлари**
- 3. Тафтиш комиссиясининг ҳуқуқ ва ваколатлари**
- 4. Текширишларни (тафтишларни) ўтказиш тартиби**
- 5. Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш ва ваколатини тугатиш**
- 6. Тафтиш комиссияси мажлислари**
- 7. Яқуний қоидалар**

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Мазкур низом «ASIA ALLIANCE BANK» акциядорлик тижорат банки (кейинги ўринларда – Банк) тафтиш комиссиясининг мақомини белгилайди ва фаолиятини, уни сайлаш тартибини, шунингдек функционал мажбуриятлари ва ваколатларини тартибга солади.

1.2. Низом Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонунларига, шунингдек бошқа меърий-ҳуқуқий ҳужжатларга ва Банк уставига мувофиқ ишлаб чиқилган.

1.3. Тафтиш комиссияси Банк молиявий фаолияти устидан назорат олиб боришда акциядорлар учун асосий восита ҳисобланади. Тафтиш комиссияси Банкнинг, унинг бўлинмалари ва хизматларининг, филлаллари ва ваколатхоналарининг ички молия-ҳўжалик фаолияти устидан назорат олиб борувчи ички назорат органидир.

1.4. Тафтиш комиссияси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига, давлат бошқаруви органларининг қонун ости ҳужжатларига, банк уставига, ушбу низомга ва банкнинг бошқа ҳужжатларига амал қилади.

2. ТАФТИШ КОМИССИЯСИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. Банкнинг молия-ҳўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш қилиш) тафтиш комиссиясининг, акциядорлар умумий йиғилишининг, Банк Кенгашининг ташаббусига кўра ёки Банк овоз берувчи акцияларининг камида 5 фоизига эгаллик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра Кенгашни олдиндан хабардор қилиш йўли билан бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият яқунлари бўйича амалга оширилади.

2.2. Ўз вазифаларини бажариш чоғида тафтиш комиссияси қуйидаги ишларни амалга оширади:

- уставда белгилаб қўйилган ҳисобот даврида, шунингдек қонунчиликда белгилаб қўйилган бошқа ҳолатларда банкнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари бўйича тафтишлар ўтказилади;

- ҳар йили ўтказиладиган аудиторлик текшируви натижаларидан ва ички аудит хизмати материалларидан фойдаланади. Зарур ҳолларда тафтиш комиссияси бирламчи бухгалтерия ҳужжатларига мурожаат этиши мумкин;

- Банк номидан контрагентлар билан тузилган шартномаларнинг, амалга оширилаётган битимларнинг, ҳисоб-китобларнинг қонунийлигини текширади;

- бухгалтерия ва статистик ҳисобларнинг амалдаги меёрий ҳужжатларга мувофиқлигини таҳлил қилади;

- Банкнинг молиявий аҳволини, унинг тўловга лаёқатлилигини, активларнинг ликвидлигини, ўзининг маблағлари ва қарз маблағларининг нисбатини, Банк иқтисодий аҳволини яхшилаш заҳиралари қидириб топилишини ҳамда Банк бошқарув органлари томонидан молиявий-хўжалик фаолияти масалалари юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилишини таҳлил қилади;

- Банк балансларининг, йиллик ҳисоботларнинг, фойдалар ва зарарлар ҳисобварақларининг, фойда тақсимланишининг, солиқ инспекциясига, статистика идораларига, давлат бошқаруви оргналарига юбориладиган ҳисоботларнинг тўғри тузилганлигини текширади;

- Банк томонидан қимматли қоғозлар ва акциядорлик жамиятлари тўғрисидаги қонунчилик ва меёрий ҳужжатлар талабларига риоя этилишини текширади;

- Банк уставида тафтиш комиссияси ваколатларига киритилган, шу жумладан акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳамда Кенгаш томонидан топширилган бошқа турдаги ишларни амалга оширади.

2.3. Тафтиш комиссияси қуйидагиларга мажбур:

- бажарилган текширишлар ва тафтишлар натижаларини ўз вақтида акциядорларнинг умумий йиғилишига, Кенгашга, Банк Бошқарувида хулосалар, ёзма ҳисоботлар, билдиришномалар, Банк бошқарув органлари мажлисларида маълумотлар тарзида етказиши;

- Банкнинг йиллик ҳисоботида киритилган маълумотларнинг ҳамда банкнинг йиллик бухгалтерия ҳисоботида кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилигига баҳо бериши;

- Банк таваккалчилигининг заифлиги ва унинг молиявий аҳволига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган шарт-шароитлар юзасидан баҳо бериши;

- Банкнинг бир йиллик фаолият натижалари бўйича, шунингдек қонунчиликда, Банк уставида ва мазкур низомда белгиланган шахсларнинг ташаббуси билан исталган вақтда Банк молиявий-хўжалик фаолиятини тафтиш қилиши;

- тафтиш комиссияси аъзолари хизмат вазифаларини бажариши муносабати билан дохил бўлган тижорат сирини сақлаши, махфий маълумотларни ошкор қилмаслиги;

- акциядорлар томонидан киритилган бошқарув органларининг ва мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатлари устидан шикоятларни ўз вақтида қўриб чиқиши ва улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилиши;

- аниқланган молиявий ва ҳуқуқий фаолият соҳасидаги тартиб бузилишлари, ёки Банк манфаатларига жиддий хавф вужудга келиши тўғрисидаги масалаларни Банкнинг бошқарув органлари томонидан ҳал этилиши зурур бўлган ҳолда Кенгаш мажлиси, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши чақирилишини талаб этиши.

2.4. Текширишларни ўтказиш чоғида тафтиш комиссиясининг аъзолари текширув предметига оид барча ҳужжатларни ва материалларни синчиклаб ўрганишлари шарт. Нотўғри хулосалар учун тафтиш комиссиясининг аъзолари жавоб беради, жавобгарлик чораси акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги билан белгиланади.

3. ТАФТИШ КОМИССИЯСИНING ҲУҚУҚЛАРИ ВА ВАКОЛАТЛАРИ

3.1. Ўз вазифаларини лозим даражада бажариш мақсадида тафтиш комиссияси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- Банкнинг исталган молиявий ҳужжатларини, шу жумладан Банк инвентаризация комиссияси ҳужжатларини текшириш, ушбу ҳужжатларни бирламчи бухгалтерия ҳисоби маълумотлари билан солиштириш;

- Банк бошқарув органларидан, унинг бўлинмалари ва хизматларидан, мансабдор шахслардан ўз фаолиятини амалга ошириш учун зарур ҳужжатларни талаб қилиш ва олиш. Мазкур ҳужжатлар ва материаллар тафтиш комиссиясига сўровнома берилганидан кейин икки иш куни ичида тақдим этилиши шарт;

- молиявий ва ҳуқуқий фаолият соҳасида тартиб бузилишлари аниқланган ёхуд Банк манфаатларига бошқа хавф вужудга келган ҳолда акциядорларнинг умумий йиғилиши чақирилишини (бир овоздан қабул қилинган қарор асосида) талаб қилиш;

- Кенгаш мажлиси чақирилишини талаб қилиш. Кенгаш Раиси тафтиш комиссиясининг талабига асосан Кенгаш йиғилиши чақирилишини рад этишга ҳақли эмас;

- Кенгаш мажлисларида унинг исталган аъзосининг таклифи асосида иштирок этиш;

- Банк ходимлари, шу жумладан мансабдор шахслари томонидан Банк томонидан қабул қилинган низомлар, қоидалар ва йўриқномаларнинг бузилиши ҳоллари аниқланганда, уларнинг жавобгарлиги масаласини Банкнинг бошқарув органларига, унинг бўлинмалари ва хизматлари олдида қўйиш;

- қонунчилик ва Банк уставига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга эга.

3.2. Тафтиш комиссиясининг аъзоси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- тафтиш комиссияси томонидан кечиктирмасдан ҳал этилиши зарур бўлган тартиб бузилишлари аниқланган ҳолда, комиссиянинг шошилиш мажлиси чақирилишини талаб этиш;

- таафтиш комиссиясининг хулосаларига нисбатан ўз норозилигини ёзма равишда билдириш ва уни Банк акциядорларининг умумий йиғилиши эътиборига етказиш;

- акциядорларининг умумий йиғилишида иштирок этиш ва йиғилиш катнашчиларининг саволларига ўз ваколатлари доирасида жавоб бериш.

4. ТЕКШИРИШЛАР (ТАФТИШЛАР) ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

4.1. Банк молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш) бир йиллик фаолият натижалари юзасидан ўтказилади.

4.2. Тафтиш комиссияси Кенгашга Банкнинг бир йиллик фаолияти натижалари юзасидан ўтказилган текшириш (тафтиш) натижалари бўйича ўз хулосалари баён этилган ҳисоботни ҳамда Банкнинг йиллик ҳисоботига киритилган, ёхуд йиллик бухгалтерия балансида берилган маълумотларнинг ишончлилигини тасдиқловчи ёки рад этувчи хулосасини Банкнинг йиллик ҳисоботини маъқуллаш масаласи кўриладиган Кенгаш мажлисининг ўтказилишидан камида 3 кун олдин тақдим этади.

4.3. Банк молиявий-хўжалик фаолиятини режадан ташқари текшириш (тафтиш) куйидаги ҳолларда амалга оширилади:

- акциядорлар умумий йиғилиши қарори асосида;

- Кенгаш қарори асосида;

- Банк овоз берувчи акцияларининг камида 5 фоизига эгаллик қилувчи акциядорнинг (биргаликда эгаллик қилувчи акциядорларнинг) талабига кўра;

- тафтиш комиссиясининг ўз ташаббуси билан.

4.4. Режадан ташқари текшириш (тафтиш) тўғрисидаги қарор акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан йиғилишда иштирок этаётган Банк овоз берувчи акциялари эгалари бўлган акциядорларнинг оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади. Тафтиш комиссияси текширишни (тафтишни) акциядорлар умумий йиғилишининг тегишли қарорини олганидан кейин бошлайди.

4.5. Режадан ташқари текшириш (тафтиш) тўғрисидаги қарор Кенгаш томонидан мажлисда иштирок этаётган Кенгаш аъзоларининг кўпчилик овози билан, сиртдан (сўров асосида) овоз бериш ҳолатида барча Кенгаш аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилинади. Ушбу қарор унинг қабул қилиниши учун овоз берган барча Кенгаш аъзолари томонидан имзоланган ҳолда тафтиш комиссиясининг раисига юборилади.

4.6. Тафтиш комиссиясининг аъзоси тартиб бузилишларини аниқлаган ҳолда тафтиш комиссиясининг раисига аниқланган тартиб бузилишининг ёзма тафсилотини комиссиянинг тегишли қарорини қабул қилиш учун юборади.

Тафтиш комиссиясининг раиси талабаномани олганидан кейин 3 иш куни ичида тафтиш комиссиясининг мажлисини чақариши лозим.

Тафтиш комиссияси томонидан текшириш (тафтиш) ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган ҳолда, тафтиш комиссиясининг раиси таекшириш

(тафтиш) ўтказилишини ташкил этиши ва унинг амалга оширилишини бошлаши шарт.

4.7. Банк акциядорлари томонидан режадан ташқари текшириш (тафтиш) ўтказилиш талабномасини қўйиш:

4.7.1. Текшириш (тафтиш) ўтказилишининг ташаббускори бўлган акциядорлар тафтиш комиссиясига ёзма талабнома йўллайдилар, унда қуйидаги маълумотлар акс эттирилиш шарт:

- акциядорларнинг Ф.И.О. (номи);
- уларга тегишли акциялар тўғрисидаги маълумотлар (миқдори, тоифаси, тури);
- ушбу талабнинг асосланган далиллари.

Талабнома акциядор ёки ишончли вакил томонидан имзоланади. Агар талабномани ишончли вакил имзоласа, унга ишончнома илова қилиниши шарт.

Агар ташаббус юридик шахс бўлган акциядор томонидан чиққан бўлса, юридик шахснинг корхона уставига мувофиқ ишончномасиз ҳаракат қилувчи вакилининг имзоси мазкур юридик шахснинг мухри билан тасдиқланади. Агар талабнома юридик шахснинг ишончнома асосида ҳаракат қилувчи вакили томонидан имзоланса, талабномага ишончнома илова қилинади.

4.7.2. Тешириш (тафтиш) ўтказиш ташаббускорларининг талабномаси Банк манзилига буюртма хат тарзида тафтиш комиссиясининг раиси номига топширилгани тўғрисида хабар бериш шarti билан юборилади, ёки Банк девонхонасига топширилади.

Талабнома қўйилган сана унинг топширилгани тўғрисидаги хабарнома санаси ёки девонхонага тақдим этилган сана билан белгиланади.

4.7.3. Талабнома қўйилганидан кейин 10 иш куни ичида тафтиш комиссияси банкнинг молиявий-хўжалик фаолиятини режадан ташқари текшириш (тафтиш) ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиши ёхуд тафтиш ўтказилишини асосланган тарзда рад этиши шарт.

4.7.4. Текшириш (тафтиш) ўтказилишини тафтиш комиссияси қуйидаги ҳолларда рад этиши мумкин:

- талабномани қўйган акциядорлар талабнома қўйилган санада бунинг учун зарур миқдордаги акцияларнинг эгаси ҳисобланмайдилар;
- талабнома қўйиш ташаббускорлари акциядорлар реестрида рўйхатга олинмаган ёки тегишли акциядорларнинг қонуний вакилликка эга бўлмаган шахслар бўлса;
- талабномада текшириш (тафтиш) ўтказишнинг асослари исботланмаган бўлса;
- текшириш (тафтиш) ўтказиш учун асос қилиб кўрсатилган ҳолатлар юзасидан аввал текшириш (тафтиш) ўтказилган ва тафтиш комиссияси томонидан хулоса тасдиқланган бўлса;
- талабномада маълумотлар тўлиқ келтирилмаган бўлса;

- талабнома Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига, меёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга ва Банк уставига мувофиқ келмаса.

4.8. Текшириш (тафтиш) ларни ўтказиш чоғида тафтиш комиссияларининг аъзолари текшириш предметига доир мавжуд ва олинган ҳужжатлар ҳамда материалларнинг ҳаммасини ўрганиб чиқишлари шарт.

4.9. Банк молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари бўйича Банк тафтиш комиссияси хулоса тузади, унда қуйидагилар акс эттирилиши зарур:

- Банк ҳисоботларида ва бошқа молиявий ҳужжатларда акс эттирилган маълумотлар ишончилигига берилган баҳо;

- бухгалтерия ҳисобини юритиш, молиявий ҳужжатларни тақдим этиш тартибининг, шунингдек молиявий-хўжалик фаолиятини амалга ошириш жараёнида йўл қўйилган қонунчиликнинг бузилиши ҳолатлари тўғрисидаги ахборот.

Мазкур хулоса акциядорлар умумий йиғилишида эшиттирилади.

4.10. Банк молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш) ташаббускорлари тафтиш комиссияси текшириш (тафтиш) ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилгунча бўлган муддат ичида исталган вақтда ўз талабномаларини тафтиш комиссиясини ёзма равишда хабардор этган ҳолда қайтариб олишга ҳақлидирлар.

4.11. Тафтиш комиссияси ҳар чоракда афилланган шахслар билан тузилган битимлар мавжудлиги, шунингдек ана шундай битимлар тузиш бўйича қонунчилик ва Банк ички ҳужжатларининг талабларига риоя этилиши тўғрисидаги хулосани Банк Кенгаши муҳокамасига олиб чиқади.

5. ТАФТИШ КОМИССИЯСИ АЪЗОЛАРИНИ САЙЛАШ ВА ВАКОЛАТЛАРИНИ ТЎХТАТИШ

5.1. Банк тафтиш комиссияси аъзолигига номзодларни кўрсатиш, киритилган таклифларни Кенгаш томонидан кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 63 ва 65-моддаларига мувофиқ белгиланади.

5.2. Тафтиш комиссияси аъзолигига номзодларни кўрсатиш бўйича таклифлар Банк манзилига буюртма хат тарзида юборилади, ёки Банк девонхонасига топширилади. Таклиф киритилган сана почта жўнатмаси санаси ёки девонхонага тақдим этилган сана билан белгиланади.

Таклиф акциядор ёки унинг ишончли вакили томонидан имзоланади, агар таклиф ишончли вакил томонидан имзоланса, унга ишончнома илова қилинади.

Агар ташаббус юридик шахс бўлган акциядор томонидан чиққан бўлса, қорхона уставига мувофиқ юридик шахснинг ишончномасиз ҳаракат қилувчи вакилининг имзоси мазкур юридик шахснинг муҳри билан тасдиқланади. Агар талабнома юридик шахснинг ишончнома асосида ҳаракат қилувчи вакили томонидан имзоланса, талабномага ишончнома илова қилинади.

5.3. Тафтиш комиссияси акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан 3 кишидан иборат таркибда бир йил муддатга йиғилишда қатнашаётган Банк овоз берувчи акциялари эгаларининг кўпчилик (оддий кўпчилик) овози билан сайланади. Тафтиш комиссияси аъзолари бир вақтнинг ўзида Банк Кенгаши аъзоси бўлиши, Банкда меҳнат шартномаси (контракт) асосида ишлаши мумкин эмас. Тафтиш комиссиясини сайлаш алоҳида овоз бериш усулида, ҳар бир номзод шахсан учун ўтказилади. Айтиб ўтиш керакки тафтиш комиссияси таркибига кетма-кет уч мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

5.4. Банк тафтиш комиссияси аъзоларига нисбатан қуйидаги талаблари қўйилади:

- ихтисослик бўйича олий маълумотга эга бўлиш;
- иқтисодиёт, молия ва ҳуқуқ соҳасида камида икки йиллик иш тажрибаси.

5.5. Тафтиш комиссияси ўз таркибидан раис ва котибни сайлайди. Тафтиш комиссиясининг раиси ва котиби комиссияга сайланганлар умумий сонининг кўпчилик овози билан тафтиш комиссиясининг мажлисида сайланади.

Тафтиш комиссияси ўз раиси ва котибини комиссияга сайланганлар умумий сонининг кўпчилик овози билан, тафтиш комиссиясидан чиқиб кетганларнинг овозини истисно этган ҳолда, исталган вақтда қайта сайлаши мумкин.

5.6. Тафтиш комиссиясининг аъзоси тафтиш комиссиясида ўз ишини тугатишдан бир ой олдин тафтиш комиссиясини ва Банк Кенгашини ёзма равишда огоҳлантирган ҳолда исталган вақтда ўз ихтиёрига кўра унинг таркибидан чиқишга ҳақли. Бу ҳолда акциядорларнинг умумий йиғилиши ўзининг энг яқин мажлисида тафтиш комиссиясининг аъзосини алмаштиради.

5.7. Тафтиш комиссиясининг аъзоси тугатиш комиссияси таркибига киритилган, Кенгашга ёки Бошқарувга сайланган (тайинланган), ёхуд Банкда меҳнат шартномаси (контракт) асосида меҳнат қила бошлаган тақдирда, у тафтиш комиссиясининг аъзоси сифатидаги ўз фаолиятини тўхтатиши зарур. Бу ҳолда акциядорларнинг умумий йиғилиши ўзининг энг яқин мажлисида тафтиш комиссиясининг аъзосини алмаштиради.

5.8. Тафтиш комиссияси алоҳида аъзоларининг ёки бутун таркибининг ваколатлари акциядорлар умумумий йиғилишининг йиғилишда қатнашаётган Банк овоз берувчи акциялари эгаларининг кўпчилик овози билан қуйидаги асосларга кўра тўхтатилиши мумкин:

- тафтиш комиссиясининг мажлисларида 3 мартадан ортиқ узрли сабабларсиз иштирок этмаслик;

- текширишларни ўтказиш чоғида тафтиш комиссияси аъзоси (аъзолари) томонидан текшириш предметига алоқадор барча ҳужжатлар ва материалларни лозим даражада ўрганилмаганлиги, ва бунинг натижасида Банк тафтиш комиссияси томонидан нотўғри хулоса чиқарилганлиги;

- тафтиш комиссиясининг алоҳида аъзолари томонидан ёхуд бутун тафтиш комиссияси томонидан мазкур низомнинг 2.3-бандининг бажарилмаслиги;

- тафтиш комиссияси аъзоларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) Банк учун номақбул оқибатларни келтириб чиқариши.

5.9. Тафтиш комиссияси аъзоларининг сони Банк уставида ва мазкур низомда кўзда тутилган миқдорнинг ярмидан камайиб қолса, Кенгаш тафтиш комиссиясининг янги таркибини сайлаш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари йиғилишини чақириши зарур.

Тафтиш комиссияси ваколатлари муддатидан аввал тўхтатилган тақдирда, янги сайланган тафтиш комиссиясининг ваколатлари акциядорларнинг кейинги умумий йиғилишида тафтиш комиссияси сайлангунга қадар амал қилади.

5.10. Агар навбатдан ташқари умумий йиғилиш кун тартибига тафтиш комиссияси бутун таркибининг ваколатларини тўлиғича ёки алоҳида аъзоларнинг ваколатларини тўхтатиш масаласи қўйилган бўлса, кун тартибига шунингдек, тафтиш комиссиясининг янги тартибини сайлаш масласини ҳам киритиш шарт.

Тафтиш комиссияси таркибига номзодлар бўйича таклифларни қонунчиликка ва Банк уставига кўра Банкнинг бошқарув ва назорат органларига номзодларни таклиф қилиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар киритиши мумкин.

6. ТАФТИШ КОМИССИЯСИНИНГ МАЖЛИСЛАРИ

6.1. Тафтиш комиссияси барча масалаларни ўз мажлисларида ҳал этади. Тафтиш комиссиясининг мажлислари тасдиқланган режа асосида, шунингдек текшириш ёки тафтишни бошлашдан олдин ҳамда уларнинг натижалари юзасидан ўтказилади. Тафтиш комиссиясининг аъзоси тафтиш комиссияси томонидан кечиктирмасдан ҳал этилиши зарур бўлган тартиб бузилишлари аниқланган ҳолда, комиссиянинг шошилиш мажлиси чақирилишини талаб этишга ҳақлидир.

6.2. Тафтиш комиссиясининг мажлиси, агар унда аъзоларнинг камида учдан икки қисми қатнашаётган бўлса, ваколатли ҳисобланади. Тафтиш комиссиясининг барча мажлислари аъзоларнинг очиқ қатнашуви шаклида ўтказилади.

6.3. Тафтиш комиссиясининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга. Тафтиш комиссиясининг далолатномалари ва хулосалари мажлисда қатнашувчиларнинг кўпчилик овози билан тасдиқланади. Овозлар сони тенг бўлиб қолса, тафтиш комиссияси раиснинг овози ҳал қилувчи бўлиб ҳисобланади.

Тафтиш комиссиясининг аъзолари комиссия қароридан норози бўлган ҳолатда, мажлис баённомасида ўзларининг алоҳида фикрларини қайд этиб қўйишлари ва уни Кенгаш ҳамда акциядорлар умумий йиғилиши эътиборига ҳавола этишлари мумкин.

6.4. Тафтиш комиссиясининг раиси:

- мажлисларни чақиради ва ўтказиши;
- тафтиш комиссиясининг жорий ишини ташкил этади;

- Кенгаш мажлисларида ва акциядорларнинг умумий йиғилишларида комиссияни ифода этади;

- унинг номидан чиқарилаётган ҳужжатларга имзо чекади.

6.5. Раис бўлмаган ҳолатларда унинг вазифасини мажлисда қатнашувчиларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинган қарор асосида тафтиш комиссиясининг аъзоларидан бири бажаради.

6.6. Тафтиш комиссиясининг котиби:

- унинг мажлислари баённомаси юритилишини ташкил этади;

- тафтиш комиссиясининг далолатномалари ва хулосаларини тегишли олувчиларга етказди.

7. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

7.1. Мазкур Низом янги таҳрирдаги Банк устави Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради.

7.2. Мазкур Низом билан тартибга солинмаган масалалар Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилиги билан тартибга солинади.

**«ТАСДИҚЛАНГАН»
«ASIA ALLIANCE BANK» АТБ
акциядорларининг навбатдаги
йиллик умумий йиғилиши томонидан
2016 йил «11» майдаги
АС-1/2016-сонли Баённома**

**«ASIA ALLIANCE BANK» АТБ Тафтиш комиссияси тўғрисида Низомга
1-сонли ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Низомнинг 1.2-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1.2. Низом Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунларига, Корпоратив бошқарув Кодексига, шунингдек бошқа меёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга ва Банк уставига мувофиқ ишлаб чиқилган.»

2. Низомнинг 1.3-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1.3. Тафтиш комиссияси Банк молиявий фаолияти устидан назорат олиб боришда акциядорлар учун асосий восита ҳисобланади. Тафтиш комиссияси Банкнинг, унинг бўлинмалари ва хизматларининг, филлаллари ва ваколатхоналарининг ички молия-хўжалик фаолияти устидан назорат олиб боровчи ички назорат органидир.»

«ASIA ALLIANCE BANK» АТБ
ягона акциядор қарорига
5-сонли илова

«ASIA ALLIANCE BANK» АТБ
2019 йил 04 январдаги
ягона акциядорнинг
АС-2/2019-сонли қарори билан
«ТАСДИҚЛАНГАН»

**«ASIA ALLIANCE BANK» АТБ Тафтиш комиссияси тўғрисида Низомга
2-сонли ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Низомнинг 4 бўлим номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«4. ТЕКШИРИШЛАР (ТАФТИШЛАР) ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ ВА ТАФТИШ
КОМИССИЯСИ АЪЗОЛАРИГА ХАҚ (КОМПЕНСАЦИЯЛАР) ТЎЛАШ**

2. Низомнинг 4 бўлими қуйидаги таҳрирдаги 4.12. – 4.13. бандлар билан
тўлдирилсин:

«4.12. Тафтиш комиссияси аъзоларига уларнинг фаолияти учун энг кам иш
хақининг 10 баровар миқдорида ойлик ҳақ тўланади. Ой давомида Тафтиш комиссияси
таркиби ўзгарганда Тафтиш комиссиясининг ҳар бир аъзосига уларнинг ишлаган
даврига пропорционал равишда ҳақ туланади.

Ҳақ ҳисоблаш ва тўлаш мақсадида ҳақ ҳисобланувчи ойнинг охириги кунда амал
қилувчи энг кам иш ҳақи миқдори ишлатилади.

4.13. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра Тафтиш комиссия
аъзоларига Тафтиш комиссия аъзоси вазифаларини бажариш билан боғлиқ
харажатларининг ўрни қопланиши мумкин.».

«ASIA ALLIANCE BANK» АТБ
2019 йил 30 августдаги
ягона акциядорнинг
АС-6/2019-сонли қарори билан
«ТАСДИҚЛАНГАН»

**«ASIA ALLIANCE BANK» АТБ Тафтиш комиссияси тўғрисида Низомга
3-сонли ўзгартириш**

1. Низомнинг 4.12 банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«4.12. Тафтиш комиссияси аъзоларига уларнинг фаолияти учун меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 4 баровар миқдорида ойлик ҳақ тўланади. Ой давомида Тафтиш комиссияси таркиби ўзгарганда Тафтиш комиссиясининг ҳар бир аъзосига уларнинг ишлаган даврига пропорционал равишда ҳақ туланади. Ҳақ ҳисоблаш ва тўлаш мақсадида ҳақ ҳисобланувчи ойнинг охириги кунида амал қилувчи меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори ишлатилади.

2. Ушбу ўзгартириш 2019 йил 1 сентябрдан кучга киради.